

# ТИНЧЛИК ПОСБОНИ

БУГУН СОВЕТ  
АРМИЯСИ ВА  
ХАРБИЙ-ДЕНГИЗ  
ФЛОТИ КУНИ

## ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 39, (4545).

23

ФЕВРАЛЬ

СЕШАНБА.

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ҚУРОЛЛИ  
ҚУЧЛАРИГА  
ШОН-ШАРАФЛАР

## ХАЛҚ АРМИЯСИ

Бугун Қуrolли Кучларимиз меҳнаткаш халқ, социализм ишга садоқат билан хизмат қила бошлаганига эллик уч йил тўлади.

Совет халқи, армиямиз ва флотимиз жангчилари бу шонли санани юксак меҳнат ва сиёсий активлик шарафига нишонламоқдалар. Бу активлик тарихий воқеа—партиянинг XXIV съездида тайёргарлик билан боғланган.

Халқимизнинг Совет давлати иқтисодий қудратини мустақамлаш, совет кишиларининг турмуш даражасини яхшилаш йўлидаги улкан зафарлари армия ва флотимиз мудофаа қудратини юксак поғонага кўтариш имконини берди.

Улуғ Лениннинг васиятлари амал қилган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Қуrolли Кучларни мустақамлаш учун барча тадбирларни кўриб келдилар ва кўрмоқдалар. Қуrolли Кучларимиз ҳам буюк доҳий кўрсатган мақсад—совет халқининг тинч меҳнатини ишонч билан қўриқлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Совет Қуrolли Кучларининг таъин этиш ишларини бошида В. И. Ленин бўлди. У армиямизнинг тарихий вазифасини, ишчи ва деҳқонлар армиясини ташкил этишнинг асосий принципларини, совет ҳарбий қуралишининг йўналишларини белгилаб беришга қўллади. Қизил Армияни вужудга келтиришга шахсан раҳбарлик қилди, унинг ёш Совет Республикаси душманларига қарши курашига бошчилиқ қилди.

Қизил Армия қаҳрамонлари ва мардлик кўрсатиб, оқ гвардиячи тўдларни тор-мор келтирди, герман, америка, инглиз, француз, япон босқинчилари ва бошқа қора кучларни мамлакатимиз чегараларидан суриб ташлади.

Урта Осиё территориясида ажабон босқинчилар ва ички контрреволюциячи тор-мор этишда туркистончи жангчилар катта ҳисса қўшдилар. Улар кўпгина қийинчиликларни енгиб, партия тошхирини шараф билан бақардилар. Хонлар ва бойлар ҳуқуқдорлигини қўтиришда Урта Осиё халқларига ёрдам бердилар, босмачиларни тутатдилар.

Бироқ, жаҳон империализми кейинги йилларда мамлакатимизга қарши бир неча бор қуrolли ҳужум қилди. Лекин ҳар сафар ҳам муваффақиятсизликка учради.

Генерал-майор  
Н. И. ПОСТНИКОВ,  
Қизил Байроқ ордени  
Туркистон ҳарбий округи  
қўмондонининг ўринбосари.

Совет қўшинларининг Сталинград жангидagi улкан ғалабаси, гитлерчиларнинг Курск остоналарида тор-мор этилиши, Днепрдан муваффақиятли кечиб ўтиш ва ундан кейин амалга оширилган бошқа жуда кўп ҳужум операциялари не-

билан мардона олишдилар. Жуда кўп шон-шухрат қозонган қисм ва қўшилмалар мана шу ерда ўз жанговар йўлини бошлади. Ўзбек халқининг солиқ фарзанди генерал-майор Собир Раҳимов командир бўлган дивизия ҳам шулар жумласидандир. Бу дивизия командир Батан учун бўлган жангларда мардларча ҳалок бўлди. Фашист Германияси ва милитарист Япониянинг тор-мор қилиниши кўп халқларнинг биргаликда қилган ҳаракати натижасидир. Бироқ гитлерчилар армияси ва унинг иттифоқчиларини тор-мор этишда Со-

фаолияти олиб борилаётганлиги кўрсатиб турибди. Империализмнинг агрессивлиги ўсиб бораётган бир шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлаш, Совет Қуrolли Кучларини жанговар тайёр ҳолда сақлаб туриш ҳақида доимий ғам-ҳўрлик қилмоқдалар.

Совет Қуrolли Кучларининг жанговар сафида турган Туркистончи жангчилар тоғлар ва саҳроларда, танкодром ва аэродромларда жанговар маҳоратларини такомиллаштиришмоқдалар. мураккаб техникани эгаллаб уни ҳозирги замон жангида қўлланшга ўргатишмоқдалар. Округ жангчилари орасида жанговар ва сиёсий тайёргарлик атлочилари, класс мутахассислари, аълочи бўлишмалар сафлари ортди бормоқда.

Янги ўқув йилининг дастлабки ойларидаёқ катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Офицерлар Н. Максютин, В. Александров, П. Тужилин хизмат қилган қисм ва бўлишмалар съезддаги социалистик мусобақасида айниқса юксак натижаларга эришдилар. Туркистончи жангчилардан офицерлар Н. Сарафанников, В. Рокко, М. Каурин, А. Жамоллов, сержантлардан В. Танасейчук, Г. Барабанов, С. Даутбеков, оддий аскарлар В. Накушин, Н. Саронов, З. Камулов, Г. Раупов ва бошқалар ҳарбий ишнинг моҳирлари бўлишди.

Совет Қуrolли Кучларининг шонли 53 йиллигини нишонлаётган туркистончи жангчилар КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун хушёрлик ва жанговар тайёргарликларини оширишмоқдалар, буюк Ватанимиз жанубий чегараларини сезгирлик билан ҳимоя қилмоқдалар.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ МУДОФАА ҚУДРАТИНИНГ ЯНАДА ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, БУ ЭСА СОВЕТ ХАЛҚИНИ, СОЦИАЛИСТИК ХАМДУСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИНИНГ БАРЧАСИНИ ИМПЕРИАЛИСТИК АГРЕССИЯ ХАВФИДАН ЯНАДА ИШОНЧЛИРОҚ ТАРЗДА САҚЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ, БУТУН ДУНЕДАГИ ТИНЧЛИКСЕВАР ВА ЭРҚАРВАР ҚУЧЛАР ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҚАМЛАЙДИ.

(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ ЛОНИҲАСИДАН).

1941 йил июнида 5,5 миллионлик фашист каллаесарлари уруш эълон қилмай туриб, хенаткорона Шарққа қараб юриш бошладилар. Совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши Улуғ Ватан уруши бошланди.

Партия қаққирин билан буюк халқимиз оша-Ватан ҳимосига отланди. Мамлакат ҳарбий лагерга айланди. Урушнинг дастлабки даврида муваффақиятсизлик ва йўқотишлардан сўнг Қизил Армия ўзининг жанговар тарихига қаҳрамонона саҳифаларини битди. Москва остоналаридаги тарихий ғалаба «яшин тезлигидаги урушнинг гитлерча планини, фашист армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги гапларини пучга чиқарди.

мис-фашист босқинчиларини Совет еридан батамом ҳайдаб чиқаришга олиб келди. Бизнинг армиямиз душманни қувиб бориб, Польша, Чехославкия, Болгария, Руминия, Венгрия, Югославия, Австрия, Норвегия халқларини гитлерчилар асосидан халос этди. Урушнинг охири йилларида совет кишиларининг саботмачилиги, оммавий қаҳрамонлиги мисли куч билан намойиш бўлди. Фронтларда кўрсатган жасорат учун жангчиларга 13 миллион орден ва медаллар тошхирланди. 11603 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Қизил Байроқ ордени бизнинг Туркистон ҳарбий округимиз жангчилари ҳам душман

вет Қуrolли Кучлари ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

Қақшатиқ зарбага учраган жаҳон империализми ўзининг ваҳиёна табиатини ўзгартирмади, уруш сабоқларидан ҳулоса чиқармай қуrol-арогини ташламади. Аксинча, урушдан кейинги даврда у янада ваҳишроқ ва маккорроқ оулиб келди. Ҳозирги вақтда жаҳон жадалчи вазифасини бақараётган асосий-реакцион кучлар америка империализмидир. Буни Хинди-Хитой халқларига қарши олиб борилаётган жинояткорона уруш, Яқин Шарқда Исроил агрессорларини қўллаб-қувватлаш, кўпгина мамлакатларнинг ички ишлари аралашшиш, социалистик хамдустлик мамлакатларига қарши қўпуровчилик

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
ФАРМОНИ  
«ТРУД» ГАЗЕТАСИНИ  
ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН  
МУКОФОТЛАШ  
ТУҒРИСИДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги самарали ишлари, уларни хўжалик ва маданий қурилишдаги вазифаларни бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун «Труд» газетаси Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиуми.  
мининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиуми.  
нинг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1971 йил, 19 февраль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
ФАРМОНИ  
«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ»  
ГАЗЕТАСИНИ ЛЕНИН  
ОРДЕНИ БИЛАН  
МУКОФОТЛАШ  
ТУҒРИСИДА

Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги самарали ишлари, уларни хўжалик ва маданий қурилишдаги вазифаларни бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун «Сельская жизнь» газетаси Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиуми.  
мининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиуми.  
нинг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1971 йил, 19 февраль.

### БАЛИҚЧИЛАР ЗАФАРИ

Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармасининг ишчилари, балиқчилари, балиқшунослари, инженер-техник ходимлари ва балиқчи колхозчилари республикадаги бошқа корхоналарнинг коллективлари билан биргаликда КПСС XXIV съездини ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар.

Уларнинг зўр гайрат билан қилган меҳнати яхши самара берди. 22 февраль кун балиқ овлани ва балиқ маҳсулотлари реализация қилиш икки ойлик планни мўддатидан олдин бажарилди. Ой охиригача пландан ташқари 100 центнер балиқ овланди, 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

(ЎЗАТАГ).

### ВАТАН ҲИМОЯ- СИДА 53 ЙИЛ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 53 йиллигини КПСС XXIV съездида тайёргарлик туфайли меҳнат гайратини жўш урган вазиятда нишонламоқдалар.

22 февраль кун А. Навоий номида театрда ўтказилган таътанали мажлисда Тошкент гаризонининг жангчилари, меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари қатнашди. Мажлиси шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асоев оиди.

КПСС Ленинчи Марказий Комитетининг Сийёси Бюросини фахрий Президиумга сайлаш туғрисидаги тақдир гулдўрос қарасқлар билан кутиб олинди.

Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант И. М. Дудра Совет Армияси

ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 53 йиллиги туғрисида доқда қилди.

Ингилда КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзолигига келганда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Музахонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдаллин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. Т. Турсунов, М. З. Мирзаахмедов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонини генерал-полковник С. Е. Белоножко қатнашдилар.

(ЎЗАТАГ).

### 23-ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎИЧА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ.

#### АХБОРОТИ

1971 йил 21 февралда 235-Қизил Октябрь сайлов округи бўиича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Овоз беришда сайловчиларнинг 100 процентини қатнашди. Овоз беришда қатнашганларнинг 99,99 процентини депутат номзоди учун овоз берди.

Салоҳиддин Асоев меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига депутат қилиб сайланди. С. Асоев 1930 йилда туғилган, Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент область Совети ижроия Комитети раиси вазифасини бажармоқда.

Округ сайлов комиссияси.

#### БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитети область Совети депутатларига билдиради. 1971 йил 24 февраль арталаб соат 11 да область партия комитетининг мажлисида сайла (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) XII қаққир меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг IX сессияси қаққирлади. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети сессия кун тартибига кўидаги масалаларни иритади:

1. Ташкилий масала.
2. Область колхоз ва совхозларида баҳорчи экин кампаниясига тайёргарликнинг бориши туғрисида. Докладчи область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. Т. Тошқулов.
- Депутатлар шу буюининг ўида 24 февраль кун арталаб соат 9 дан бошлаб руххатга олинад.
- Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети.



Суратда: Тошкентдаги трактор-йигув заводининг илгор ишчиси Н. Морейченко. Айни кунларда у КПСС XXIV съезди парграфига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена нормасини бир ярим ҳиссани етказиб адо этмоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.

### СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1971 йил, 23 февраль

№ 28

Москва шаҳри

Совет Қуrolли Кучларининг жангчилари, уртоқлар!

Армия ва Флот ветеранлари, уртоқлар! Бугун совет халқи ва унинг жангчилари Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 53 йиллигини таътанали вазиятда нишонламоқда.

Бу йил шу байрам Коммунистик партиянинг ва бугун совет халқининг ҳаётида катта воқеа бўладиган КПСС XXIV съезди арафасида нишонланмоқда.

Совет кишилари беш йиллик планни муваффақиятли адо этиб, Ленин юбилей йилида эришилган муваффақиятларни мустақамлаб, янги беш йиллик биринчи йили вазифаларини амалга ошириш учун кўп билан ишламоқдалар, жонажон партиямиз съездида муносиб тайёргарлик кўрмоқдалар. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, эиелчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли иқтисодий, ишлаб чиқаришнинг самардорлиги ошмоқда, халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг янада юксалиши таъминланмоқда. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ўсмоқда. Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кўчаймоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати-нинг ленинча ташкил сийёсати халқимизнинг тинч, бунёдкорлик меҳнати учун қўлай шароитни таъминлаш туғрисида тинмай ғамхўрлик қилишга қаратилган. Ленинча ташкил сийёсат социализм жаҳон системасини мустақам-

лаш ва ривожлантиришга, халқлар озодлиги, мустақиллиги ва хавфсизлиги ишнини ҳимоя қилиш учун барча антимпериалистик кучларни жипслаштиришга қаратилгандир.

Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташкил сийёсати халқаро империализмнинг қарши ҳаракатига дуч келмоқда. Халқаро империализм эса кескинлигини қўчатириб, ер юзининг турли районларида кризисли вазиятларни вужудга келтирмоқда. Хинди-Хитойнинг тинчликсевар халқларига қарши АҚШнинг ваҳишларча интервенцияси қўчаймоқда. Исроил босқинчилари океан орқасидаги хомийларидан мадад олиб, Яқин Шарқдаги кризисни тинч йўл билан бартараф этишга тўсқинлик қилмоқдалар. НАТО агрессив блокнинг, Ғарбий Германиядаги реваншчи ва янги нацист кучларнинг қилмишлари Европада вазиятни соғломлаштиришга жиддий ҳалал етказмоқда.

Шундай бир вазиятда Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мамлакат мудофаа қудратини мустақамлаш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина уртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал уртоқлар! Армия ва Флотнинг запасдаги ва истефодаги ветеранлари! Сналарни умулхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 53 йиллиги билан қўтлайман.

Қуrolли кучларнинг жанговар тайёргарлигини кўп сайин такомиллаштирингиз, уларнинг шонли, жанговар традицияларини ардоқлаб асрангиз ва қўпайтирингиз, социалистик халқдустлик мамлакатлари армияларининг жангчилари билан интернационал дустлигини мустақамлашгиз. Сизга ишониб тоширилган ҳарбий техника ва қуrolли кўт билан астойдил ағдадлангиз, ўзингизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчингизни шараф билан бажаришга ҳамisha шай бўлиб турингиз.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 53 йиллигини нишонлаш юзасидан БУ-ЮРАМАН:

Бугун, 23 февралда маҳаллий вақт билан соат 20 да Ватанимиз бойтахти — қаҳрамон шайхлар Москвада, иттифоқдош республикалар пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса ва қаҳрамон қалъа Брестда байрам шарафига мўшаклар отилсин.

Яшасин Совет Қуrolли кучларининг 53 йиллиги! Яшасин қаҳрамон совет халқи! Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ  
СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛ  
А. ГИ



# ҚУРИЛИШ ИСТИҚБОЛИ

# ХҮҖАЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУХИМ РЕЗЕРВ

Титовский фотосп.

# ИЛМИЙ-ТЕХНИ

тиқ руҳда тарбиялашда заво  
ҳамда фабрикаларда ташқи.

Page 1

Иккинчи механика цехи  
ВЦСПСнинг иккинчи даража-  
ли дипломи билан тақдирлан-

Юбилей Илдида илмий-техника мавзуйда қатор фильмлар намойиш қилинди, бадиний ҳаваскорлик тўғраги аъзоларининг чиқишлари уюштирилди, ишчи-хизматчиларни қизиқтирувчи масалалар бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Т. СИХАРГУЛИДЗЕ.

## A black and white photograph of a man with a beard and a headband, looking down at a large, multi-tiered stack of teacups. Two teapots are placed on top of the stack. The background is a checkered pattern.

ТОШКЕНТ чиний заводи маҳсулотига талаб йил сайин орта  
бояпти. Бунини ҳисобга олган корхона коллективи бу йил шартан  
8 миллион дон чиний буюмларини ишлаб чиқаришга қарор қилди.  
Суратда: биринчи цех ишчиси А. Восиқов тайёр чинийлакларини  
кўздан кечирмоқда. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотос.

# МЕНИНГ ВАТАНИМ —

# І МАСЪУА

# ТАТ БУНДАЛИГИДАН

Изгирин кучайиб бормоқда. О,  
қишининг таърифини қўл эшит-  
Киноларда кўриб, витоблардан

оёққа турамиз. 45 секунд  
бошланади. Шу вақт ич

сафда роз қотилнинг дарн

ҳангомаси Олдинга шахдам қадамлар билан бошқача  
кийиниб чиқиб, карабинлар қўйилган маррага диқ. Шун

Ана Шу боралмиз. Кетинг, я

қилмаса ҳам бўлмасди.

Энэ үйлдлийг хийх үед "Хүний нөөц" ба "Төрийн өмчийн эрхийн зардал" бүлэгт оруулах ёстой.

куриб, тананг билан ҳис этишинг  
экан. Агар уйга борсам, ҳақи-

Бүк җималигини айтио берардим.

БУГУН СОВЕТ  
АРМИЯСИ ВА  
ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ  
ФЛОТИ КУНИ

# ШОНЛИ, ҚУДРАТЛИ, ЕНГИЛМАС!

## ҚУРОЛДОШЛАР, ҚАЙДАСИЗ?

1942 йил бошларида Тошкентда ҳарбий пулемет-миномет билим юрти ташини қилинган эди.

Бу билим юртининг талабалари Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улар август ойи, да тула соат билан Сталинград фронтига жўнган эдилар. 64-армиянинг 169-ўқчи дивизияси составида биз собиқ курсантлар 1942 йил сентябрийда Бететовга — Красномоевское — Саретто районидан жангга кирган эдик. Ҳаммаиш комсомол ёшида бўлган ўспирин интигилар эдик. Улар партия ва совет давлати иши учун содиқ қилиб ҳарбий қасамларини бажар-

КРИВОЙ-РОГдан ХАТ

дилар. Волгадаги мустаҳкам қалъа-ни сақлаб қолишда жон-фидолик қилдилар.

Уруш бизларни турли фронтларга тарқатиб юборди. Мен ана шу қуролдош дўстларимнинг кейинги тақдирини билолмайдим. Лекин уларнинг сиймоси ҳали-ҳали кўз олдимдан нари кетмайди. Мен билим юртида бирга ўқиган Фарғонадан келган интигилар Виктор Зотов, Михаил Супегин, Анатолий Нармин, Костя Нестеренко, изобосанлик Раҳимқулов ва бош-қа ўртоқларимнинг кейинги тақ-

дирини билмоқчи эдим. Уйлай-мани, тошкентлик ва ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида яшовчи бш изтопарлар менга ёрдам беришди, собиқ Тошкент пулемет-миномет билим юрти курсантларининг қаҳрамонликларга тула тарихини тиклашди.

Узим ҳақида шуларни маълум қилмоқчи: Кривоий-Рог шаҳрида Ново-Криворог кон саралаш номбинатида электр слесарлари бригадириман. Уруш йиллари Сталинград fronti, Жанубий, 4-Украина, 3-Украина, 2-Украина фронтларида жанг қилганман.

Б. КАНДАЛИНЦЕВ, запасадаги офицер.



УЛУҒ ВАТАН УРУШИ  
ИШТИРОКЧИСИ ЕН  
ДАФТАРИДАН

## ЖАНГ

Командир буйруғини кутар бўлима,  
Қуроллар ҳужумга тайёр,  
Ложувард осмонда нурлар  
сочиб оё  
Юдулар кўксига оҳиста  
сузар.  
Узоқдан жимирлар зангор кўз  
суви,  
Шабод юзларни сийпалаб,  
эсар.  
Ел билан бугдойзор,  
сабазорлардан  
Димоққа ёқимли аяқиб ҳид  
келар.  
Саҳронинг фарбиди уфқ қип-  
қизил,  
Разил ёв қишлоққа ўт қуйди,  
ёнар.  
Гулханлар қўйида ёв азобиди  
Қийналиб қапдайди бир она  
инглар,  
Хавода кўринди таниш ракета,  
Тўплардан ер титраб, учди  
ўқ-олов.  
Шиддатли жангларга юрди  
бўлима,  
Зарбамиз остида ўлим кучди ёв,  
Қўнғида ўч, қасос, қўзларда  
газаб,  
Зарбамиз душманга ўлим  
келтирар.

## ФРОНТ ЙУЛЛАРИДА

Қўлимда бор жанговар қурол,  
Дейди, разил ёдан қасос ол!  
Бунда қулар, гишлар ўқим,  
Наҳот бу ер элар уйим?  
Бунда ўчмас туллар алаига,  
Ўт қўймоқчи душман жаҳонга.  
Бунда уйлар ёниб ётади,  
Бунда тоғлар тутаб отади.  
Утда ёниб қора бўлган ер,  
Инглаб менга: бу ер қишлоқ —  
дер.  
Дархатлар ҳам қўйиб қорайган,  
Бунда илбис кир қанот ётган.  
Бир қишлоққа қолди ягона,  
Сочларига оқ тушган она.  
Илар эди ўз қўрасини,  
Илар эди дон ўрасини.  
Ев қалаган ўтлар ичидан,  
Нафрат ўқиб ёлар ичидан,  
Бурун топган эр жаннатини,  
Тинч ҳаёти, саодатини,  
Илар эди тентиб муштираб,  
Ев азобин чеккан нақадар.  
Унутмайман бу хорлиқни мен,  
Унутмайман бу зорлиқни мен.  
Автоматини тутиб қўлимга,  
Ўч-ла боқиб қасос йўлимга,  
Мен бораман қонли майдонга,  
Ўқ қайдайман гайри инсонга.  
Керек бўлса ҳаётим жангда,  
Бергун, фақат ёлар жаҳонда,  
Кун қўрмасин, қасофат экан,  
Элта офат, фалокат экан!

Назармат ЭҒАМНАЗАРОВ.  
1944 йил, 27 февраль.

Илгор расёт командирини, жан-  
говар ва сийси тайёргарлик аъло-  
чиси сержант Исмаилов таъти-  
ка машқлариди.

А. АСАНОВ фотолари.

## ЙИЛЛАР, МАНЗИЛЛАР ОША

Бу воқеа 1942 йил ноябрда бўлган эди.

Ҳарбий фронт Смоленск яқини-да катта ҳужумга ўтган эди. Қўш-ларимиз Вазуза дарёсида душман мудофасини ёриб. Ржев-Вазуза темир йўлига чикқан эдилар. Генерал Доватор-нинг афсонавий чапандозлари душман орқасига ёриб ўтган, Ржев озоқ қилиниш арасида турган бир пайт бўлса ҳам, Смо-ленскнинг кичкина қишлоғи Хлепене гитлерчиларнинг қўлига таниш пунктга айланиб, қўш-ларимизнинг йўлига гов бўлиб турган эди.

Уч томонидан Вазуза дарёси билан ўралган Хлепене тик чўқ-қилар орқасида табиий қалъа бў-либ қолганди. Қишлоқ маркази-га жойлашган Қизил черковга жойлашиб олган фашистлар Ва-зузадан ўтаётган қўш-ларимизга қараб тўхтовсиз ўқ узиб ту-рарди.

Биз қандай қилиб бўлмасин, фа-шистларнинг штраф офицер ба-талони кучи билан саканиб турган мана шу қишлоқни эгал-лашимиз зарур эди. Бу вазифа 150-алоҳида ўқчи бригада командирини полковник И. Подберезинга юк-латилди. 20-армия қўш-ларимиз Хлепене олин учун бир неча бор уринган бўлсалар ҳам сира муваффақиятга эриша олмаган эдилар. Шунинг учун бригада ко-мандирини қишлоқни штурм билан эмас, ҳарбий хийла билан олишга қарор қилди.

50 нафар қўнғилли автоматик сийси рахбар Яков Габов бош-чилигида тунда қор, бурон билан уриб турган бўлишига қарамай, душман ўт очиш нуқталари ора-сидан ўтиб бориб, Черновин эгал-ладик.

Габов интигилари 36 соат мобай-нида фашистларнинг тўхтовсиз ҳужумларига бардос бериб. Қи-зил черковни қўлда сақлаб турди. Бу билан ҳужум қилиб келётган бригадамизга қараб душман-нинг ўт очишига йўл қўймади. На-тижада фашистлар қишлоқдан ҳайдаб чикрилиб, баландлик қў-лга киритилди.

Бу қаҳрамонона тарихини Рига-да 17-мактаб ўқувчилари ўз ўқитувчилари 150-алоҳида брига-дадини собиқ командирини, истеб-фодаги полковник Илья Михай-лович Подберезиндан эшитдилар. Болалар бу ажойиб аперация қат-нашчиларини излаб топишга қа-рор қилдилар. Бу жанг ҳақида фронт газеталари уч ойгача ёзиш-ган эди.

Изланишлар муваффақиятли бошланди. Яков Габов Ригада яшар экан. Ундан болалар ўша

жанг тафсилотларини батафсил эшитти. Сўнгра Хлепенеинг бошқа қаҳрамонларини ахтаришга тушиди. Ёзишмалар, архивларга илтимосномалар, фронт газетала-ри материаллари асосида кўпгина нарсалар маълум бўлди.

1968 йил 9 майда 17-мактабда жанговар шўхрат музейи ташкил-ли равишда очилди. Бу кун бо-лалар хотирасида унутилмас бў-либ қолади.

Айниқса, Тошкентдан борган меҳмонлар уларга кўп нарсалар-ни айтиб беришди. 150-ўқчи бри-гада тарихи билан қизиққан қизил изтопарлар бу бригада машаққат-ли 1941 йилда Ўзбекистонда тузил-ган тоғ-ўқчи дивизия сержант ва солдатларидан ташкил топганили-ни ҳамда Тошкент ҳарбий билим юрти офицерлари билан тўлдирил-ганлигини билардилар. Тошкент-дан борган Ш. Контушавли, А. Файнблут ўртоқларини хикояси ҳаёжон билан тингланди. Бригада артиллерия дивизионининг собиқ командирини ҳозирги вақтда Тош-кент шаҳар партия комитетиде ишлаётган В. Покутнев билан бў-лган учрашув изтопарларга катта қуввонч бағишлади.

Хлепенедин сўнг вазият яна мураккаблашиб «тил» топиб ке-лиш лозим бўлиб қолган эди. Шунда Покутнев бу ишни ўз зим-масига олиб, артиллериячи раз-ведкачилари билан йўлга тушди.

Айниқса, Смоленск областининг Карманово қишлоғи учун бўлган жангда старший лейтенант В. По-кутнев командир бўлган артилле-риячилар, младший лейтенант Контушавли командирлик қил-ган миномет дивизиони фидокор-лик қилдилар. Уларнинг номи бригада тарихига ёзилди.

Болалар олдиде ўлганлар хоти-расини абадийлаштиришдек оли-жаноб вазифа турибди. Мажбур жангларда Ўзбекистондан келган интигилар қаҳрамонона курашди-лар. Афсуски, улар ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Уларнинг оилалари қаерда яша-ётганини ҳам аниқланганча йўқ. Лекин биз, — дейди изтопар-лар штабнинг командирини Андрей Никитин, — Тошкентдаги 75-ўрта мактаб изтопарлари билан аяши-алоҳида ўрнатганимиз. Улар бу ишда бўлса ерданлашадилар.

Ҳозир изтопарлар янги сафар-га шайинлиб туришди. 9 майда улар Кармановоде учрашишмоқ-чи. Болалар ўзлари учун қалардон бўлиб қолган 150-ўқчи бригада ветеранлари билан яқиндан тани-шишни истадилар.

Е. ВОРОНОВА,  
Рига шаҳри.

Яқинда бўлган тактика машқ-лариде изтопар Ориф Идрисов актив иштирок этди. У тур-ли мавзуларда сўхбатлар ўтказ-ди, қўйилган вазифани аъло дара-жада бажаришда сўзи ва иши би-лан жангчиларини илҳомлантди. Суратда: ефрейтор Ориф Идрисов дўстларига газетадан ангилдиклар-ни ўқиб бермоқда.

## ЎЛИМНИ ЕНГИБ...



1943 йилнинг апрели. Тош-кентнинг «Қизил кум» кўчасида яшовчи Обиджон ота хонадона бошига оғир мусибат тушди. Фронтга кетган ёлғиз шунқори Ахмаджондан «қора хати» келди.

Ота юрганини ҳам, турганини ҳам билмайдик. Дунё қоронғу-нинг кўзига. «Ўғлингиз Ахмад-

жон Воронеж область Семипутск райониде она-Ватан учун жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди, «1-Май» қолхози территориясига дафни қилинди».

Ота ёвуз душманини ланғатлай-ди. Она бўлса аламини кўз ёши-дан, тўлиб-тўлиб йиғлашдан ола-ди.

Қулар кетидан қулар, ойлар-ни қувиб ойлар ўтаверди. Ахмад-жоннинг отаси ҳам, онаси ҳам фарзанд доғида қўйнишса ҳам гоҳида: бор экан, ҳалок бўлибди, оғир дилларда қор келибди, де-йишиб бир-бирларини қопатишди.

Урушда нима-лар бўлмайди, дейсиз! 1944 йил окрирлари эди. Уша мотасаро Обиджон ота хо-надонини энди шодликка тўлди.

Қўш-ларининг кети узилмайдик. — Отажон, сунончи бering. ў-ғлингиз ҳаёт экан!

— Келатган эмиш. эшитдингиз-ми, буви!

Орадан кўп ўтмай Ахмаджон-кириб келиб, Обиджон ота ҳам, мунис она ҳам қадларини тиклаб олдиди.

Бу воқеага ҳам салкам 30 йил бўлапти. Ахмаджонни таниш-билишлари ҳали-ҳали «ўлиб ти-рилган» дея ҳазиллашиб қўйиша-ди.

Улимларни доғда қолдириб қайтган жасоратли йигит бугунги кунда Тошкент шаҳар Фрунзе

районидеги маорифчилар дەرға-си, ташеббускор коммунист.

Яқинда қўлимиз у хизмат қила-ётган 60-кечки ишчи-бшлар макта-бига тушиб, Ахмаджон Обидов билан сўхбатлашдик. Олий маъ-лумотли тарих ўқитувчиси Ахмад-жон ака бизни 10-синфдаги дар-сига таклиф қилди. Бунини қаран-ғи, ўтиладиган тема ҳам Ахмад-жон Обидов жон олиб, жон бер-ган Курск—Орёл, Воронеж жанг-лари, у ерда совет қўш-ларини-нинг қўрсатган мислсиз жасорати ҳақида экан. Дарс шундай ҳа-ёжонли, маъмули ўтдики, ўқувчи-лар кўзи олдиде бутун жанг ма-зараси гавдалангандай бўлди.

Ахмаджон Обидовнинг Курск—Орёл воқеалари ҳақида ҳаёжон-ланиб гапирганига бор экан. 1941 йил окрида қўнғилчилар қатори она дийр химоясига олганган до-вюрюк комсомол Олматов шаҳри-да ўқиб жангга қиради. Ростов-Дон fronti, Сталинград остона-ларида жасорат қўрсатган Ахмаджон қўмондонлигининг муко-фотларини олади.

Бир неча марта яраланиб, яна сафга қайтган иродали йигит 383-полкнинг 3-ротасига командирлик қилади. Рота Семипутск райони-нинг «1-Май» қолхози территория-сидеги тепаликларнинг ўнг томо-нига жойлашди. Чапда эса душ-ман. Қўмондонлик буйруғига асо-

сан ҳужумга ўтиди. Ўқ ёлғир, снаряд портлашларини писанд қилмай тепаликка чикқан Обидов артиллерия билан алоқа ўрнатди. Душманларнинг жойлашгани ҳақи-да маълумот бераётганда ёнгина-сиде алаанарса қаттиқ портлади. Гуа унинг назарида гавдаси икки-га бўлингандай бўлди. Кўз ўнги қоронғулашиб ҳушидан кетди. Унинг бир елкаси учиб кетган, чап қўли қимирламади.

Уч-тўрт кундан сўнг уни дала госпиталидан Челябинск областининг Златоуст шаҳридаги шифоха-нага олиб боришди. Ахмаджон ўлими билан юзма-юз бир ой-олишди. Меҳрирдё шифокорлар ёрдамида ҳаётга қайтган жангчи 1944 йилда Тошкентга йўл олдиди. Обиджон отага қобрилган «қора хати» ўша дахлатли жанг майдони-дан йўлланган эди. Ахмаджон Обидов кўксини Беэзб турган Қи-зил йўлдуз ордени Семипутскда-ги жасоратининг тиксоланди.

Солдат ҳамиша солдат, деган-ларидек Ахмаджон Обидов, меҳнат фронтининг солдати. Унлаб медаллар ҳам унинг ўз постида сергаб туриб, ёш авлодин ватан-парварлик руҳида тарбиялашда эришган ютуқлари аъзаига берила-ган.

Қ. МАЛИКОВ,  
Тошкент шаҳридаги 144-ўрта мактаб ўқитувчиси.

## ҚАҲРАМОН — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

байрами билан қўтлаб, қудрат-ли Совет Армияси босиб ўтган шонли йўл ҳақида қисқача тўх-талиб ўтди. Кеча меҳмони Со-вет Иттифоқи Қаҳрамони Со-лих Умаровнинг жанг эпизодла-ри ҳақидаги хотираларини ҳам-ма берилиб эшитди. Қаҳрамон урушининг сўнги қунари, яъни 4 майда беш дўсти билан раз-ведкага бориб, қандай қилиб

душман генералини қўлга туши-ришганини, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга қандай мушарраф бўлганини ҳикоя қилиб берди.

Октябрь район партия коми-тети маданият бўлими мудири Р. Маллабоевнинг ҳикояси ҳам маҳалла аҳлида катта таассу-рот қолдириди.

Кеча пировардида Муқимий

номидаги ўзбек давлат музика-ли драма театри актёрлари Рих-сийов Зокиров, Собитжон Оди-лов, Тожиддин Абдувоҳидов, хонанда Эсон Лутфуллаев, Аб-дулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи бадий ҳаваскорлари ижросида концерт қўйиб бери-ди.

Октябрь район, Ульинов но-ми маҳалла клубида Совет Ар-мияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 53 йилдаги бағишланган кеча жуда мароқли ўтди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

## ФАҲРИМ, ҒУРУРИМ

Шимол томондан қандайдир товуш-лар қўлоғимга чалинди. Юрагим гул-лаб уриб кетди. Бу товушлар қўнайиб қандайдир хуштакка айланди. Ёттибор, берсам, алаңоч дархатларнинг изи-ридан тортаётган ноласи экан бу. Ле-кин табиат ҳазили қимматга тушди. Озмунча асабини эмасди дейсизки. Бироздан сўнг анча ўзинга келиб ҳаёлга бериладим. Ўзимдан бир неча масофа на-рида кўкка буй чўзган ракеталарнинг қандай мўъжизакор кучга эга эканли-гини ўйлай кетдим. Шу ракеталар қан-тичлик посбони. Худди шуларнинг би-рида Гагарин парвоз этган.

Қор гинчланиш эшитилиб, ҳаёлим бўлинди.

— Тўхта, ким келаяпти?

— Мен, Ермаков.

— Тўхта, қирилма.

Ефрейтор поғонидан шинелли йигит олдимда пайдо бўлди. Ҳайрон қолдим. Пост топирилганда менга одам бор-лиги билдирилмаган. Демак...

— Ўтказвор, танимайсанми? Итбо-қар Ермаковман.

— Танимайман. То смена келмагунча, турсан.

Ефрейтор кўнмаганимни кўриб, су-кина кетди.

— Сўнимка, постда ҳақорат қилиш таъқиқланган.

У сўкинда давом этиб, олдимга яқин-лаша бошлди. Шунда жаҳлим чиқиб, тўхташни буюрдим.

— Яна бир қадам. Отаман!

— Шунанми? Қўрсатиб қўяман.

Нима ҳам қилардим. Ефрейторнинг бошидан юқориларини қўзлаб ўқ уздим. Ермаков жойида қотиб қолди. Сўнг яқинишга тушди. Қўнмадим.

— Кечир мени, тоза совқоталпман. Сменангга ярим соат қолган. Унгача тарашадек қотаманку!

Шунда мен тревога маъносиде яна ўқ уздим.

— Бўш гильзаларни топиб қўй. Ба-тидан таъзиригаги тоза ейдиган бў-лишди. Қўрадинининг кўрасан эдинг.

Тезда соқчилар сменаси ҳовлиқанча етиб келди. Ўқ товушидан «бата»нинг (қисм командирини) ўзи шонли қорув-хонага келибди. Воқеани билишиб, Ермаковни олиб кетти.

## IV. САДОҚАТ

— Сени президумга сўрашаяпти.

— деди сеник замполит. Майор Анд-реев ҳажжонлашиб кетган. Унинг орқа-сидан юриб президумга чикдим. Кор-пусимиз командирини ёнида ўтирган та-ниш генерални кўзим тушди. У мени ёнига ичмади. Сийси бўлиш бошлиғи генерал менга бир ой муқаддам пар-тия билетини топишганди.

Генерал мулоим жиламайб корпус командирини нима-лариндир деди ва менга ўтиришга жой кўрсатди. Нафа-син ичигага тушиб кета ёлди. Бироздан сўнг сал ўзинга келдим ва президум-га қадалган юзлаб чехраларга диққат билан кўз ташладим. Улар сафиде ко-мандирларини, нотаниш офицерлар ҳам-да таниш хизматдошларим тошкентлик Лутфулла Файзуллаев, Тўхтамурод Ис-матов, Александр Науменко, Алекс-еи Крузиниларга кўзим тушди. Улар гўё менга далда бериб, менинг фахрий жойда ўтирганимдан фахрланиб кетиш-гандай туюлди. Мен шу президумда

ўз қиёфамда ўнлаб, юзлаб сол-дат оимасини гавдалантирганим-ни тушунидим. Қўнглим алланечук кўтарилиб кетди ва энди ўзимни эркин ҳис этабололадим.

Байрам буйруғи ўқиб эшиттиригач, минбардан генерал қўтарилади. У қисқа, рапон сузлар билан барчамизни қўмон-донлик номидан табриклади.

Шундан сўнг командирлар сўзга чи-қа бошлашди. Жанговар тайёргарлик-содасидеги қўлга киритилган ютуқлар, бўлгуси режаларини гапириб беришди.

Корпус командирини қўлидаги қорозига бир қараб қўйди.

— Энди сўз жанговар ва сийси тай-ёргарлик аълочиси оддий солдат Соди-қонга!

Агар момақалдиқроқ гулдираб, яшн чикнаса ҳам буналик ҳажжонга туш-масдим. Ҳеч қандай тайёргарлик, оғоҳ-ланттирилмай сўзга чикдим.

Аста минбар томон кўтарилидим. Ҳаммаининг диққат-этибори менига қараганини сезиб бир зум индамай қол-дим!

Хизматдош ўртоқларим бўлса менга «дадил бўл» дегандек имо қилишмоқда. «Улар руҳий мадад сўрагандек ҳаё-лан илтижо қиламан.

— Ўртоқлар!

Ўз овозимга ўзим ишонмайман. Гўе-менинг сузларимни, айтмоқчи бўлган фикрларимни тушунагандай солдатлар сафиде жойланганини сезаман. Улар дарҳақида сўзлай бошладим. Бизни, туркман, ўзбек, рус, белорус, украин ва татар қабил босиб Советлар маъла-катининг турли миллат ёлларини шу бир жойга, бир муқаддас вазифа, грайд-данлик бурчини ўташга олиб келган Ва-

тан ҳақида, дўстлик ҳақида, инсоният-га янги давр очган буюк Октябрь ҳа-қида гапирдим. Унинг гениисни Влади-мир Ильич Лениннинг Социалистик Ва-тан химояси тўғрисидаги вояналарини бажариш ҳақида гапирдим. Ишчи-дех-қон Қизил Армиясининг жанговар та-риқчиларини бойитиш — муқаддас ва-зифамизлигини таъкидлаб ўтдим.

Минбардан тушарканман, чапак-лар бошланиб кетди. Йўқ, бу олқишлар менга эмас, балки армиямиз шайнига, солдатлик бурчига садоқат олқишлари эди. Солдатлар ўз вакилларини хурма-ти командирлар, олий офицерлар со-стави ёнида фахрий байрам турида кў-риб, Совет Армияси буюк демократия-сининг амалдаги далилини, бамисоли қатрада қўшдек аксини кўрган эди-лар.

\*\*\*

Қундаликини аста ыараклайман. Уда зикр этилган шаҳарлар, одамлар, воқеалар бирма-бир жойланаваради. Солдат хизматидеги қулар ва тузлар асас этади. Қуролдош дўстлар, коман-дирлар кўз ўнгимда намоён бўлади.

Шунда босиб ўрмонлар кўз олди-да жойланади. Гражданик ҳаётининг мураккаб оқими ҳаёт дарёсидан оқи-эиб кетган солдатлик саргузаштлариде қўрган ажойиб-ғаройиб, дам қўлти-ли, дам тантанали, гоҳида эса машақ-қатли воқеалар ёлга келади. Ана шун-да мен Ватан — бу ниманик азгу, юк-са; ниманик қудратли ва саховатли, ниманик энг инсоний ва олжанов бўл-са шуларнинг бор мажмуаси эмасин, деб ўйлаб қоламан.

Ҳамма содиқов, запасадаги офицер.



ҲАРБИЙ-ВАТАНПАР-№66  
ВАРЛИК САҲИФАСИ

# ЎЗБЕК СОЗИ ПАРВОЗИ

Ўзбек кишлоқ клуби. Катта зал томошбинлар билан лиқ тула. Саҳнада кўларига рангбаранг соз тутган халқ талантлари саф бўлиб ўтиришди. Ҳаммаининг диққат-эътибори уларда.

Концерт бошланади. Саҳнада атрофга ёқимли ўзбек кўл оҳанглари майин тарала бошлайди. Рубоб, дутор, гижнак, камон, най, чанг ва янграқ доиранинг оҳани ўзига хос ўйноқ, шўх ва дилрабо. Созлар хуш овози дил торларини сеҳр билан нозик чертади, гул янградек тебратди...

Анаб, бу ўзбек халқ чолғу асбобларининг бунёдкори ким, у қарда, қайси маконда ҳаётга йўл топди?

Мана, биз ўша қувноқ созлар фабрикасидамыз. Дилларини ром этган ўзбек миллий музыка асбоблари тайёрланган корхона «Школьная» кўчасида жойлашган.

Цех бошлиғи, фабриканинг кеска ишчиси Константин Абрамов бизни очiq ҳеҳра билан қарши олади.

— Ха, бизда мактабда мактаддек халқ устаслари ишлашди... деди у сўзбаста. — Абди Юсупов ана шундай моҳир устасларимизнинг бири. Корхонада кўпдан бери ишлаб келади.

Абди Юсупов музика асбоблари йиғув цехида ишлар экан. Уни цехда, яна бир рубобини кўпдан чиқараётган вақтида уч-

раддик. Сўхбатдошимиз ўрта мактабни битириб турган шў ерга ишга кирган экан. Мана, шунга ҳам ун уч йил тўлибди. У устоз, мастер Константин Абрамов ҳақида миннатдор бўлиб гапирди.

— Мен уч ой шоғирд тушдим. Константин Владимирович шу вақт ичиде ўзининг бутун билим ва маҳоратини сидқидилдан ўргатди. Мустақил ишлашга ўтганимдан кейин ҳам у ўз ёрдамини аямай келди. Шу тўғрйли қисқа вақт ичиде музика асбоблари йиғишдек, мураккаб ва қийин ишни мукаммал ағаллаб олдим.

Абди Юсупов — коммунистик меҳнат зарбдори. У энди кўпгина ёш ишчиларга устоз ҳамдир.

Фабриканинг мажбурд турганда цехида иш қилган. У ерда моҳир ишчилар. Абди Юсуповнинг ҳамкасблари Абдукарим Йўлдошев, Мансур Мирзоев ва Николай Черкасовлар меҳнат қилляпти. Ҳозир корхонада он сайин 80 дан ошйириб турли миллий халқ чолғу асбоблари тайёрланмоқда. План топириқлари — 120—130 процент адо этилмоқда.

Созлар корхонаси коллективни яна бир хайрли ишга бош қўшди. Улар Ленин комсомол номидаги Москва автомобил заводи коллективининг 17 арбиде коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги қимматли ташаббусига қўшилди, шу кунин беш

йиллик фонди учун ишлаб беришга қарор қилдилар.

Миллий музика асбоблари фабрикаси тайёрлаб чиқараётган маҳсулотлар фақат республикамиздагина эмас, балки бутун мамлакатда шухрат қозонмоқда. Ўзбек музика асбобларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Фабрика маҳсулотлари ҳатто чет элларга ҳам кўплаб жўнатилмоқда. Ана шунин назарда тутиб, корхона

маъмурияти музика асбоблари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун барча ички имкониятларини ишга солмоқда, ишлаб чиқариш жараянларини тезлаштириш чораларини қурмоқда. Партиямизнинг бўлажак съезди шарафига коллективда бошланган бу социалистик мусобақа янги қувончли самаралар бериши шак-шўбасиз.

Ю. АХРОРОВ,  
Х. НОСИРОВ.



Суратларда: корхонанинг илг'ор ишчиларидан Р. Сейметова (ўнгга) ва М. Мирзоев урсокларини кўриб турибса, С. Махматов ва Т. Каримов фотолари.

## „БАХОР“НИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Мукаррама Тўғрүнова раҳбарлигидаги бу ансамбль уйинларини ким кўрмаган, дейсиз.

Ансамбль ҳозир бир неча янги программда концерт тайёрламоқда. Масалан, улар ичиде «Гулдаста», «Ал-Би», «Дурдоналар», «Ал-Би», «Дурдоналар» уйинлар ҳам бўлиб, уларни ёш раққослар Д. Зисонова, Г. Нурддинова, О. Соатова, Г. Хамроевалар икром этишди. Бундан ташқари, янги программа да «Интизор», «Улоқ», «Ўзбекистон» наби қилар лапарни ҳам бори.

СССР халқ артисти, Галия Исматиллова ҳам «Баҳор» чаманига ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. У раққосларга Куба рақс уйинларини ўргатмоқда. Сулаймон Юдаковнинг «Албер», «Гулдаста» музикали уйинлари ҳам саҳналаштирилмоқда.

Ансамбль бу йил Москва, Уфа, Новосибирск, Челябинск, Қозон каби шаҳарларга гастролга боради. Шунингдек, Германия Демократик Республикаси ҳамда Германия Федератив Республикасида иккундай сафар қилади.

## Спорт

### ҲАММА УЧРАШУВДА ҲИСОБ 3:0

Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчи қилари СССР биринчилигининг иккинчи тур мусобақаларини ҳам муваффақиятли ахуладилар. Улар туртала учрашувда ҳам рақибларини 3:0 ҳисобда мағлубиятга уратдилар. Ҳамшаҳарларимизнинг аввали икки ўйини ҳақида маълумот берган эдик, кейинги учрашувларда улар Риганинг «Электронас» ва Минскнинг «Спартак» коллективларини уч партияда енгилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер А. Ибраҳимов шогирдларини энди Олимпиадага қараб йўл олишди. Қозонистон пойтахтида улар Донецк, Ленинград, Тула, Волгоград волейболчилари билан беллашадилар. Учинчи тур мусобақалари 9—13 мартда бўлиб ўтади.

### АШХОВОДДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

СССР Футбол федерацияси Туркманистон Футбол федерацияси билан бирликлда 25 февралдан 4 мартгача Ашхобода халқаро турнир ўтказишга қарор қилдилар. Бу турнирда ГДР, Чехословакия, Финляндия ёшлар терма командалари билан бирга мамлакатимиз ёш футболчилари иккунта составда беллашадилар. Бу турнирда Туркманистон командаси ҳам иштирок этади.

### ФУТБОЛЧИЛАР КУЧ СИНАШМОҚДА

Қора денгиз соҳилида маъсулга тейгарлик кўраётган мамлакатимиз футбол коллективлари турли контроль ўйинлари ўтказмоқдалар. Футбол ишчибозлари учун ана шу учрашувлардан айримларининг натижаларини маълум қиламиз: «Зенит» — «Торпедо» (Москва) — 1:1, «Торпедо» (Москва) — «Локомотив» (Москва) — 0:0, «Динамо» (Киев) — «Днепр» 2:1, «Динамо» (Киев) — «Локомотив» — 5:2, «Торпедо» (Москва) — «Черноморец» — 1:0, «Черноморец» — «СКА (Ростов)» — 0:0.

СССР терма командаси футболчилари Мексика терма командаси билан Мехикода бўлган ўйинни ҳам 0:0 ҳисобда дураниб қилиб тутганди.

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

## КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

Кўпгина мамлакатларнинг матбуоти Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Ташқи ишлар министрларининг йиғилишида тўғри келганда катта эътибор бериб, кенгашида қабул қилинган ахборотнинг Европа қитъасида тинчликни мустаҳкамламоқ учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқда.

БУХАРЕСТ. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Ташқи ишлар министрларининг Руминия Социалистик Республикаси пойтахтида бўлиб ўтган кенгашининг ахборотини Руминиядаги газеталарнинг ҳаммаси бутун биринчи саҳифаларида босиб чиқарди. Ахборотнинг мазмунини Руминия радиоси ва телевидениеси орқали эшитирилиб турди. Кенгаш иши тўғрисидаги маъна шу эшитирилганларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб кенгаш ўтказишни ташаббус қилганда кенгаш проблемаларини ҳал қилишнинг амалий ва конструктив йўлини қидириш ҳозирги шароитда муҳим ва зарур эканлиги уқтирилмоқда.

Ажерпресс агентлигининг хабарига кўп томонларнинг иштироки билан Умум Европа кенгашининг қарориде доир тайёргарлик ишларини бошлаб юбормоқ учун ҳозирги вақтда шарт-шароит бор, дейилади.

СОФИЯ. Кенгаш ахборотининг тўқсонини марказий газеталар «Европада тинчлик ва хавфсизлик масалаларига доир конструктив таклифлар», «тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини қўллаб қилган таклифлар», деб шарҳ қилмоқда. Кенгашида қатнашган социалистик мамлакатлар қитъадаги барча давлатлар ўртасида нормал, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш йўлида бундан буюн ҳам куч ва ғайрат сарфлашга маҳкам бел боғлаганлар, деб ахборотда айтилган гапларнинг матбуот алоҳида кўрсатиб ўтмоқда. Газеталар кенгашида муҳоама қилинган масалалар устиде ҳаммининг фикри бир жойдан чиққанлигини алоҳида уқтириб ўтмоқда.

ВАРШАВА. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Ташқи ишлар министрларининг кенгашининг аҳамиятига Нольдаги газеталар баҳо бериб: «Европа кенгаши ҳар томонлама, кенг қўлланганда», «конкрет, кўп томонлама тайёргарлик ишларига киришни пайини келди», «Европа кенгашини тайёралининг янги актив босқичига ўтишни орқага сурйш арамайди», — деб ёзмоқда. Бу аниқлаш қатнашчилари, деб ёзди матбуот, социалистик мамлакатларнинг ҳаракати, шунингдек бошқа давлатларнинг қўшган ҳиссаси натижасида Евро

ропа қитъасидаги кескинликни қаматириш ишлари бирмунча олдинга силжиди, деб маммуният билан уқтириб ўтидилар. Социалистик мамлакатларнинг Европа Кенгашини қақриш бора-боридаги таклифини, деб ёзди газеталар, Европа халқлари ва Европа афкор оммаси тобора кўпроқ қўлланмоқда.

БУДАПЕШТ. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Ташқи ишлар министрларининг ахборотини Будапештдаги «Непсабадша» газетаси «Умум Европа кенгашини кўп томонлар иштироки билан тайёрлаш учун шарт-шароит вужудга келтирилди» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Социалистик мамлакатларнинг ҳаракати натижасида, деб ёзди матбуот, Европа қитъасида кескинликни юмшатиш йўлида муайян силжйш бўлишига эришилди. Социалистик мамлакатларнинг Умум Европа кенгашини қақриш тўғрисидаги таклифини Европадаги жамоатчилик орасида қўллаб-қувватлаётган кенг доиралар тобора қўлаймоқда. Бундан кенгашнинг ўтказиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлар экан.

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги марказий газеталар социалистик давлатлар Ташқи ишлар министрларини кенгаши ишларини на-

тижаларига баҳо бериб «Умум Европа кенгашини амалий тайёрлашга ўтиш керак», «Европада ҳамкорлик бўлиши керак», деб ёзмоқда. Кенгашида қатнашган давлатлар Умум Европа кенгашини қақришга доир тайёргарлик ишларини тезроқ тўғаллашга қўмақлашшга маҳкам бел боғалганликлари ахборотда баён қилинганлигига, манфаатдор давлатларнинг ҳаммаси бу йўлда куч ва ғайрат сарфлашга даъват этилганлигига газеталар эътиборини жалб қилмоқда.

Германия Демократик Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш зарурлиги Европа ва халқаро хавфсизлик иши учун катта аҳамиятга эга бўлган омилидир, деб Кенгаш қатнашчилари айтиш фикрини газеталар алоҳида қайд қилмоқдалар.

ПРАГА. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Ташқи ишлар министрларининг Бухарестдаги кенгаши тўғрисидаги ахборотини ахборотини Чехословакия матбуоти шарҳлаб: «Умум Европа кенгашини амалий равишда тайёрлаш пайини келди», «энди кенгашини тайёрлашнинг актив даври бошланиши керак», — деб ҳулоса чиқармоқда. «Руде право» газетаси Европа мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама алоқалар учун Европа кенгашини амалий равишда кенг тайёрлашни бошлаб юбориш учун шарт-шароит вужудга келтирди, деб таъкидламоқда. Бу ишни эндиликда орқага сурабериш арамайди, деб ёзди газета.

Социалистик мамлакатларнинг ҳаракатлари тўғрйли, деб ёзди Чехословакия матбуоти, Европада хавфсизлик проблемаларига бағишланган кенгашнинг муваффақиятли ишлаши учун реал шарт-шароит вужудга келди. Европанинг тинчлик-севар халқларини мана шу шарт-шароитнинг илға солинишини кутмоқдалар.

АМЕРИКА. Қўшма Штатлари Лаосга қарши агрессия ҳаракатларини тобора кенгайтормоқда. Суратда: Жаңабий Вьетнам солдатлари Америка вертолётлари ёрдамида Лаос бйлан чегарадош Май Лок районига туширилмоқда. АП—ТАСС телефотоси.

# XX АСР ҚУЛЛАРИ

Янгида Кельн радиоси антиқа бир қонжур ўтказди. Тингловчиларга уларнинг фикрига Ғарбий Германияда қанча чет эл ишчилари борлигини айтиб бериш таълиф этилди. Касабо союзу ва адабиёт вакилларида ташкил топган махсус жюри адресига 30 мингдан ортиқ хат келди.

Бу мактубларнинг айримлари жиддий кайфиятда, ёзилган бўлса, бошқалари газаб-нафратга тўла тўхматдан иборат эди. Аноним мактублардан бирининг автори очиндан-очик чет эл ишчиларини «улар таж мамералари учун боп» деб атади. Бошқа бир мактуб эгаси эса уларни «Европа роботлари» деб номлаган.

Бирок, масаланинг тўб моҳияти бунда эмас, албатта. Ҳозирда расмий маълумотларга кўра, Германия Федератив Республикасида 2 миллионга яқин чет эл ишчиси бор. Ана шу мухожирларнинг кўпчилиги италянлар, греклар, испанлар, португалияликлар, югославияликлардир. Амалда эса улар бундан ҳам кўп. Ғар

бий Германиянинг кўпгина фирмалари чет элликларни яширишга ишга ёллаб, уларга белгиланган тарифдагидан анча кам ҳақ тўламоқдалар.

Келинг, бу ерда «расмий» деб атаган, ёки ҳозирда уларни ГФР да айримларининг таъбири билан айтганда «Европа роботлари»нинг ахволи билан бир танишиб чиқайлик. Энг аввало, мухожирлар энг оғир жисмоний куч сарф қилишни лозим бўлган ишларда ишляшганини, меҳнат ҳақини эса ғарбийгерманиялик ҳамкасбларига қараганда бир неча баробар кам олишганини айтиб ўтиш керак.

Гап фақат бундангина эмас. Чет эл ишчилари оғир шароитда яшашга ҳам мажбур бўлишмоқда. Расмий эълон қилинган қондага бйноан ҳар бир мухожир ишчи учун ун квадрат метр турар-жой биноси ва 10 кубометр ҳаво тўғри келиши керак. Бу немишасира жуда аниқлик билан қилинган ҳисоб-китоб. Ҳўш, ана шу ҳисоб-китоб амалда қандай?

Найерштрассенинг Бонн

марказидаги, эски бир қулбога қиринди. Ўғирлаб турган нарсани тиртович билан маҳкамлаб қўйибди. Ана шу нарсавдан аста иккинчи қаватга чиқди. Иккунта тўрт хонали квартирада қирини яшар экан. Уларнинг кўчлигини италянлар ва турклар бўлиб, Рейн пойтахтидаги ерости трамвайи учун тунибди қўришган экан. Уларлар дебтиш учун жой етишмаслиги тўғрйли икки қават қилиб жой ясашибди. Деразалардаги парда ўрнига коржомалар осиб қўйилган. Истифмайидан ертўлада фақат битта душ бўлиб, у ҳам бўлса кўп кезлари ишламаса экан. Ҳар бир мухожир шундай уйда «яшаб» тургани учун ойига 45 маркадан ҳақ тўлар экан.

Фақат Бонндагина ишчиларнинг ахволи шундай, деб ўйламани. Янгида Ғарбий Германия телевидениеси орқали Франкфурт-Майндаги йирик қурилиш фирмасида меҳнат қилётган четэллик ишчилар лагерьдан репортлаб олиб кўрсатилди. Дарвоза тепасига «Бегоналар кириши қатъийан таъқиқланади»

деб ёзиб қўйибди. Сал наридаги баракларнинг олди тикан сим билан ўраб қўйилган. Бу ерда ялаётган ишчиларнинг ахволи Бонндаги ишчиларнинг ахволидан яхши эмас. Улар барак учун ойига 65 марнадан тўлашар экан.

«Франкфуртер альгемайне цайтунг» газетаси чет эл ишчиларини истиқомат қилётган шунга ўхшаш лагерларнинг бири ҳақида ҳикоя қилар экан, «бу ерда инсон нафаси бўғилиб қолди, ҳатто ун кубометр ҳаво беришганда ҳам ҳалок бўлиши мумкин» деб ёзганга таажжубланмаса ҳам бўлади.

Ғарбий Германиядаги четэллик ишчиларнинг шундай аянчли ахволини кўра билатуриб, уларни нима деб аташ мумкин? Кельн радиоси ўтказган конкурсда иштирок этган бир қатнашчининг улар — XX аср қуллари» деган фикрига қўшилмай илож йўқ. Ҳақиқатан ҳам бундан кўра аниқроқ таъриф бўлмаса керак.

А. ЖОЛКВЕР,  
(АПН).

## МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕЛАР

### АҚШДА НАРХЛАР ОШАЙТИР

ВАШИНГТОН. 20 февраль. (ТАСС). АҚШда қимматчилик ошиб бораётганлиги тўғрисидаги хабарлар меҳнат министрлигининг ҳар ойда эълон қилинадиган маълумотларидаги доимий мавзу бўлиб қолди. Январ ойида ҳам министрлик нархлар яна кўтарилганлигини эълон қилди.

Медицина хизмати учун тўланадиган ҳақ, транспортда юриш ҳақи ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ҳаммадан кўра кўпроқ кўтарилди.

Кейинги 12 ой ичиде мамлакатда истеъмол молларининг нархлари ҳаммаси бўлиб 5,2 процент ошди.

### СУДНИНГ ЎЗБОШИМЧИЛИГИГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

НЬО-ЙОРК. 20 февраль. (ТАСС). Пуэрто-Риконинг мустақиллик учун кураш ҳаракати партиясининг раиси Рубен Берриос ва Пуэрто-Рико миллий озодлик ҳаракатининг бошқа активлари устидан ўтказилган судла қарши норозилик билдириб. Пуэрто-Риконинг пойтахти Сан-Хуанда Америкага қарши намоийш ўтказилди.

Шаҳар аҳолисида бир ярим мингга яқин киши қучаларга чиқиб. Пуэрто-Риконинг Коллеора оролидан АҚШ ҳарбий денгиз қучларининг полигонини сифатида фойдаланилаётганлигига қарши норозилик кампаниясида қатнашганликлар учун ватанпарварларни уч ой қамоққа ҳукм қилган суднинг қарорини дарҳол бекор қилишни талаб этиди.

Берриос ва унинг сарфшолари оролда «қув-маққ отишлари» ўтказиш аҳолининг ҳаётини хавф остида қолдираётганлигига сабабли бу отишларни тўхтатишни талаб қилиб бир неча марта норозилик намоийшлари ташкил этган эдилар.

Бу сафарги намоийш Пуэрто-Рико активларига нисбатан репрессиялар тўхтатишди. Пуэрто-Рико халқига озодлик ва мустақиллик берилсин, деган широрлар остида ўтди.

### ХИНДИСТОН АҲОЛИСИНING СЕНИ

ДЕХЛИ. 20 февраль. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинганча, Хиндистон аҳолисининг сони ҳозирги вақтда 553 миллион 964 минг кишидан иборат. Мамлакат аҳолиси ҳар йили 2,5 процент миқдориде кўпаймоқда.

### ЕР ҚИМИРЛАДИ

Ўтган йилда кўни маҳаллий вақт билан соат 17 дан 46 минут ўтганда Тошкентда 2—3 балл юч билан ер қимирлади. Тошкент Марказий сейсмик станциясининг маълумотларига кўра ер қимирлаш маркази Андиқондан 20 километр шарқда эканлиги аниқланди.

Ер силқинишлар Андиқон ва Ушша 4—5 балл, Наманганда 3 балл, ақинентрда эса 6 баллга яқин бўлди.

З. ҲАЙИТОВ,  
Тошкент сейсмик станцияси,  
нинг катта инженири.

Редактор  
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаханаси Тошкент шаҳри.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 да — Москва нурсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — Курсатулар программаси.

Рус тилида: 18.30 — «Ахборот» информатсион программаси, 18.40 — «Советский воин» (Телевизион журнал).

Ўзбек тилида: 19.40 — «Ахборот» информатсион программаси, 19.55 — Эркин ВОҲИДОВ. «Нидо» (Адабий театр), 20.30 — «Пропагандист программаси», 21.00 — «Ярим аср йилномаси» (Кўп сениалии телевизион ҳужжатли фильмининг «1936 йил» ҳақидаги серияси), 21.50 — «Ер ва одамлар», 22.20 — Ҳатлардан кишиқларга, 23.20 — Курсатулар программаси.

23.30 да — Москва нурсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 17.55 — Курсатулар программаси, 18.00 — Болалар учун. «Бойчақ», 18.30 — «Сияҳ-саломатлиги» (Илмий-оимма боп программа).

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

19.00 — Сирданг Ўнйётган студентлар учун. Немис тилидан 20. машғулот 19.30 — Инглиз тилидан 20. машғулот.

19.55 да — Москва нурсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Байроқчи йўқотманлар» (Болалар учун телефильм), 20.50 — Реклама, 21.00 — «Тургай» (Бадийи фильм).

## Театр

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА — 23/II да Дилором, 24/II да Ригелетто.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да Олтин девор, 25, 28, 27/II да Машиқатли йул.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/II да Бахт тўғи, 25/II да Фаргона тоғи отгунча, 26/II да Меҳнинг жаннатини.

## Кино

Соғов ва севги — «ВОСТОК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИ», «НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «Чайка», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОНИ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун), САЎҒАТ САРОНИ (кундуз соат 5.30, кеч 7.30 ва 9.15 минутда).

Турк оғасининг васияти (жуфт соатларда), Агентнинг тутганиши (тоқ соатларда) — «КОМКОМ» 30 йиллиги.

Денгиз харантери — «ЎЗБЕКИСТОН» 20 йиллиги (кундуз соат 1, 3 кеч 8.45 ва 10.30 минутда).

Моний муз — САЎҒАТ САРОНИ (ортаб соат 11 ярим, кундуз 1, 2 ярим ва 4 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5 МАРТДАН БОШЛАБ РСФСР ВА ДОГИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ ЯРАҒИ ГАЖИ. ҚУРБОНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«ЦОВКРА» ДОГИСТОН ДОРВОЗЛАРИ

ва Владимир тин РАҲБАРЛИГИДАГИ

ЎРГАТИЛГАН АНИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

ИШТИРОКИДА

КИРГИЗИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Тошкентда неч соат 7 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун таламалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш насаси орталаб соат 11 дан ишлайди.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ» ХАММА АБОНЕНТЛАРГА ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯДАН ФОНДАЛИНГАНЛИКЛАРИ УЧУН СЧЕТ ЭЗИБ ДАВЛАТ БАНКИНИНГ КИРИМ НАССА. ЛАРИГА

ҲАР ОНИНГ 10 КУНИГАЧА ТЎЛАШЛАРИНИ СУРАЙДИ

ЎТГАН ВАҚТ УЧУН ҚАРЗЛАРИ БЎЛГАН АБОНЕНТЛАР УЛАРИНИ ТЕЗДА ТЎЛАШЛАРИ ШАРТ

СЧЕТЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАМАКЛИК ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯНИ ОҒОХЛАНТИРИШСИЗ УЧИРИБ ҚУЙИШГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»